

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧЕТ ЭЛЛИК ФУҚАРОЛАРНИНГ НИКОҲИНИ АЖРАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Номозов Хусан Ахмат ўғли

*Термиз Давлати Университети Жиноят ҳуқуқи
ва фуқаролик процесси кафедраси ўқитувчиси*

Бозорбоев Акбар Анвар ўғли

*Термиз Давлати Университет
Юридик факултети 4 курс талабаси*

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати ҳамда никоҳ муносабатларига киришиши, шунингдек Ўзбекистон Республикасидаги чет эл фуқароларининг консуллик муассаларида никоҳини қайд қилиш, айниқса уларнинг никоҳини ажратиш масалалари ҳақида батафсил маълумотлар ва амалий тажрибалар келтирилган.

Калит сўзлар: чет эл фуқаролари, никоҳ шартномаси, никоҳдан ажратиш, никоҳни ҳақиқий емас деб топиш ва бошқалар

Биламизки, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 236-моддасида¹, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги, шунингдек чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳдан ажратиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади – деб қайд этилган.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган эри (хотини) билан тузилган никоҳдан, мазкур шахс қайси давлат фуқароси эканлигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси судида ажралишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида никоҳдан ажралиш мумкин бўлган ҳолларда бундай никоҳдан ажралиш Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарида ёки консуллик муассасаларида амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги никоҳдан ажратиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тегишли чет эл давлатининг қонунчилигига

¹ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. <https://www.lex.uz/acts/104720>

риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳдан ажратиш тегишли чет эл давлатининг қонунчилигига риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Никоҳдан ажратишда чет эл элементи асосан икки ҳолатда мавжуд бўлади:

- эр-хотиннинг турли фуқароликка эгаллиги;

- бир фуқароликка эга эр-хотинларнинг бошқа мамлакатда никоҳдан ажрашмоқчилиги. Эр-хотинларнинг турли фуқароликка эга бўлиш ҳолати, кўпчилик мамлакатлар фуқаролик қонунчилиги аёлнинг никоҳга киришини ўзидан эрнинг фуқаролигига ўтиши билан боғлашни тўхтатганлиги билан белгиланади. Аёлнинг ўз фуқаролигини сақлаб қолиши қонундаси нафақат давлатларнинг ички қонунчилик нормаларида, балки «Турмуш қурган аёлнинг фуқаролиги тўғрисида»ги 1957-йилда Нью-Йоркда имзоланган халқаро Конвенцияда ҳам акс этган. Ушбу Конвенция никоҳнинг тузилиши ҳам, ажратиш ҳам, эрнинг фуқаролигининг ўзгариши ҳам аёлнинг фуқаролигига таъсир кўрсатмаслигини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан никоҳдан ажратиш суд тартибидеки ФХДЁ органлари томонидан амалга оширилади. ФХДЁ органлари томонидан никоҳдан ажратиш учун асос тарафларнинг розилиги ва вояга етмаган фарзандларнинг йўқлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар билан тузган икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларида коллизия боғловчиларнинг аралаш шакли қўлланган. Масалан, 1993-йилда Минскда имзоланган Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида конвенция (28, 29-моддалар)да никоҳдан ажратиш масалаларида қуйидаги ҳолатлардан келиб чиқилади:

- никоҳдан ажратиш ишларида эр-хотинлар никоҳдан ажралиш тўғрисидаги аризани тақдим этиш вақтида қайси мамлакат фуқаролари бўлсалар, шу мамлакат қонунчилиги қўлланади;

- турли фуқароликка эга бўлган тақдирда никоҳдан ажратиш ишини кўраётган мамлакат қонунчилиги қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида яшаб турган эри (хотини) билан тузилган никоҳдан, мазкур шахс қайси давлат фуқароси эканлигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси судида ажралишга ҳақлидир. Масалан, Испания фуқаросига турмушга чиққан Ўзбекистон

фуқароси, Испанияда никоҳдан ажратишга йўл қўйилмаса ҳам, Ўзбекистон Республикаси судларида никоҳдан ажралишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида никоҳдан ажралиш мумкин бўлган ҳолларда бундай никоҳдан ажралиш Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарида ёки консуллик муассасаларида амалга оширилиши мумкин. Аммо консуллик муассасаларида, никоҳни қайд этишдан фарқли равишда, никоҳдан ажратиш бири чет эл фуқароси бўлган шахслар ўртасида ҳам амалга оширилиши мумкин. Шарҳланаётган модда тўртинчи қисмининг мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги никоҳдан ажратиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тегишли чет эл давлатининг қонун ҳужжатларига риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади. Демак, никоҳдан ажратган мамлакат қонун ҳужжатларига, яъни моддий ва коллизия қонунчилигига риоя этилган бўлиши назарда тутилади. Бундан ташқари, никоҳдан ажратиш ушбу чет мамлакатда никоҳдан ажратиш учун ваколатли бўлиб ҳисобланган ҳар қандай давлат органида амалга оширилиши мумкин. Масалан, Дания, Норвегияда никоҳдан ажратиш қиролнинг қарори асосида ёки маъмурий орган томонидан амалга оширилади. Ирландияда, Канада провинцияси Квебекда парламент қарори билан никоҳ ажратилади.

Ўзбекистонда чет мамлакатларда чиқарилган никоҳдан ажратиш тўғрисидаги суд қарорларини эътироф этиш, ушбу қарор Ўзбекистон Республикасида чиқарилган қарорларга тенглаштирилишини англатади. Чет мамлакат судининг қарори ушбу никоҳни тугатилган деб ҳисоблашга асос бўлади ҳамда ушбу фуқаро Ўзбекистон Республикасида янги никоҳ тузиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага² мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида қайд этилган никоҳдан чет эл судининг қарори асосида ажрашган шахслар мазкур қарорнинг легализация қилинган ёки апостиль қўйилган ксероноусхаси унинг таржимаси билан бирга, никоҳ тузилганлиги қайд этилган ФХДЁ органига тақдим этилиши лозим. Бунда ФХДЁ органи томонидан никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига тегишли ёзув киритилади, мурожаат қилган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатига тегишли чет эл судининг қарори асосида никоҳдан ажратилганлиги ҳақида қайд қилинади ҳамда унга бу ҳақда

² Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома. <https://lex.uz/ru/docs/2308332>

маълумотнома берилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳдан ажратиш тегишли чет эл давлатининг қонун ҳужжатларига, яъни ушбу мамлакат қонунчилигида белгиланган ваколатлилик ва қўлланувчи ҳуқуқ масалаларига риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб³ эътироф этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. <https://www.lex.uz/acts/104720>
2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига шарҳ
3. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома. <https://lex.uz/ru/docs/2308332>
4. “Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Минск конвенцияси. <https://lex.uz/docs/2741647>
5. Интернет сайтлар:
www.lex.uz
www.legislation.uz
www.lexis.nexis.uz

³ Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига шарҳ